

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

12-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI**

*№ 12 (4) - 2024*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**TOSHKENT-2024**

## **BOSH MUHARRIR:**

Isanova Feruza Tulqinovna

## **TAHRIR HAY'ATI:**

### *07.00.00-TARIX FANLARI:*

Yuldashev Anvar Ergashevich – tarix fanlari doktori, siyosiy fanlar nomzodi, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Mavlanov Uktam Maxmasabirovich – tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Xazratkulov Abror – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.

Tursunov Ravshan Normuratovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Xolikulov Axmadjon Boymahammadovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Gabrielyan Sofya Ivanovna – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Milliy Universiteti.

Saidov Sarvar Atabullo o'g'li – katta ilmiy hodim, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy tadqiqotlar bo'limi.

### *08.00.00-IQTISODIYOT FANLARI:*

Karlibayeva Raya Xojabayevna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Nasirxodjayeva Dilafuz Sabitxonovna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent moliya instituti;

Arabov Nurali Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Azizov Sherzod O'ktamovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Bojxona instituti;

Xojayev Azizxon Saidaloxonovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Farg'ona politexnika instituti

Xolov Aktam Xatamovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Shadiyeva Dildora Xamidovna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b, Toshkent moliya instituti;

Shakarov Qulmat Ashirovich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

### *09.00.00-FALSAFA FANLARI:*

Hakimov Nazar Hakimovich – falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Yaxshilikov Jo'raboy – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

G'aybullayev Otabek Muhammadiyevich – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Saidova Kamola Uskanbayevna – falsafa fanlari doktori, "Tashkent International University of Education" xalqaro universiteti;

Hoshimxonov Mo'min – falsafa fanlari doktori, dotsent, Jizzax pedagogika instituti;

O'roqova Oysuluv Jamoliddinovna – falsafa fanlari doktori, dotsent, Andijon davlat tibbiyot instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedراسi mudiri;

Nosirxodjayeva Gulnora Abdukaxxarovna – falsafa fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Turdiyev Bexruz Sobirovich – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Buxoro davlat universiteti.

### *10.00.00-FILOLOGIYA FANLARI:*

Axmedov Oybek Saporbayevich – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ko'chimov Shuxrat Norqizilovich – filologiya fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hasanov Shavkat Ahadovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Baxronova Dilrabo Keldiyorovna – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Mirsanov G'aybullo Qulmurodovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Salaxutdinova Musharraf Isamutdinovna – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Samarqand davlat universiteti;

Kuchkarov Raxman Urmanovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent v/b, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yunusov Mansur Abdullayevich – filologiya fanlari nomzodi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Saidov Ulugbek Aripovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi.

#### *12.00.00-YURIDIK FANLAR:*

Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Esanova Zamira Normurotovna – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yurist, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hamroqulov Bahodir Mamasharifovich – yuridik fanlar doktori, professor v.b., Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti;

Zulfiqorov Sherzod Xurramovich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti;

Xayitov Xushvaqt Saparbayevich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Asadov Shavkat G'aybullayevich – yuridik fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Ergashev Ikrom Abdurasulovich – yuridik fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Utemuratov Maxmut Ajimuratovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Saydullayev Shaxzod Alixanovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hakimov Komil Baxtiyarovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yusupov Sardorbek Baxodirovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Amirov Zafar Aktamovich – yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), O'zbekiston Respublikasi

Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi;

Jo'rayev Sherzod Yuldashevich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Babadjanov Atabek Davronbekovich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Rahmatov Elyor Jumaboyevich - yuridik fanlar nomzodi, Toshkent davlat yuridik universiteti;

#### *13.00.00-PEDAGOGIKA FANLARI:*

Xashimova Dildarxon Urinboyevna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Ibragimova Gulnora Xavazmatovna – pyedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Zakirova Feruza Maxmudovna – pedagogika fanlari doktori, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi;

Kayumova Nasiba Ashurovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Qarshi davlat universiteti;

Taylanova Shoxida Zayniyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent;

Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ibraximov Sanjar Urunbayevich – pedagogika fanlari doktori, Iqtisodiyot va pedagogika universiteti;

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti;

Bobomurotova Latofat Elmurodovna - pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti.

#### *19.00.00-PSIXOLOGIYA FANLARI:*

Karimova Vasila Mamanosirovna – psixologiya fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Hayitov Oybek Eshboyevich – Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti, psixologiya fanlari doktori, professor

Umarova Navbahor Shokirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Amaliy psixologiyasi kafedrasini mudiri;

Atabayeva Nargis Batirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Shamshetova Anjim Karamaddinovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Qodirov Obid Safarovich – psixologiya fanlari doktori (PhD), Samarkand viloyat IIB Tibbiyot bo‘limi psixologik xizmat boshlig‘i.

#### *22.00.00-SOTSILOGIYA FANLARI:*

Latipova Nodira Muxtarjanovna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri;

Seitov Azamat Po‘latovich – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston milliy universiteti;

Sodiqova Shohida Marxaboyevna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi.

#### *23.00.00-SIYOSIY FANLAR*

Nazarov Nasriddin Ataqulovich –siyosiy fanlar doktori, falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent arxitektura qurilish instituti;

Bo‘tayeov Usmonjon Xayrullayevich –siyosiy fanlar doktori, dotsent, O‘zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri.

---

### **OAK Ro‘yxati**

Mazkur jurnal Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022-yil 30-noyabrdagi 327/5-son qarori bilan tarix, iqtisodiyot, falsafa, filologiya, yuridik va pedagogika fanlari bo‘yicha ilmiy darajalar bo‘yicha dissertatsiyalar asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

---

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari**” elektron jurnali 2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli guvohnoma bilan davlat ro‘yxatiga olingan.

**Muassis:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” mas’uliyati cheklangan jamiyati

#### **Tahririyat manzili:**

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog‘och ko‘chasi, 70/10-uy. Elektron manzil: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### **Bog‘lanish uchun telefonlar:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## MUNDARIJA

### 07.00.00 – TARIX FANLARI

*Turg'unov Sherzod Abduvositovich*

FARG'ONA VILOYATI SANOAT KORXONALARINING MODDIY-TEXNIK HOLATI VA ULARNING SANOAT ISHCHILARINING MEHNAT MUHOFAZASIDAGI AHAMIYATI HAQIDA AYRIM FIKR MULOHAZALAR (Farg'ona viloyatida 1950-1970-yillarda chop etilgan vaqtli matbuot nashrlarida e'lon qilingan maqolalar tahlili asosida) ..... 13-19

*Qalandarov Hamza Hamroqul o'g'li*

SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN ATEISTIK SIYOSATI VA XUDOSIZLAR JAMIYATI FAOLIYATI ..... 20-23

*Berdiyev Abduvali Abdug'aniyevich*

XVIII-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGINING ERON VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IJTIMOYIY ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR ..... 24-32

*Соъуб Раъноб*

KAMBAFALLIK VA UNI QISQARTIRISH MUAMMOLARI ..... 33-42

*Abdimov O'zbek Bektemirovich*

MARKAZIY OSIYO MINTAQASIGA ILMIY QARASHLAR VA KONSEPTUAL MASALALARNING AYRIM JIHATLARI ..... 43-48

*Toshpulatov Nurbek Boboqul o'g'li*

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATI BOZORLARI VA KARVONSAROYLARI TARIXI ..... 49-53

*Temirova Munira*

ESKI TERMIZ SIMOVKO'ZACHALARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR ..... 54-58

*Sattorova Shahlo*

SHAYBONIYLAR DAVRIDA JO'YBOR XO'JALARINING BUNYODKORLIK FAOLIYATI ..... 59-63

### 08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

*Yazdonova Saxiba Kurbanovna*

KIBERMAKON: TA'LIM, TARBIYA VA IQTISODIY TA'SIR TENDENSIYALARI ..... 64-72

*Таниев Аҳмаджон Баҳромович*

TUURIZM, GLOBALLASHUV VA SAVDO: ULARNING ATROF-MUHQITGA TA'BSIRI ..... 73-82

*Ходжаниязов Элбек Сардоревич*

XORAZM VILOYATIDA TUURIZM TRANSPORTI XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISH OMIILLARI TAHLILI ..... 83-93

*Raximov Bahromjon Ibroximovich, Ibrohimova Maqsuda Muhammadjon qizi*

O'ZBEK SANOATINING INNOVATSION TARAQQIYOTI VA IQTISODIY O'SISHDAGI ROLI ..... 94-99

*Ahmedov Adham Djalolovich*

AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASHDA FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARI FAOLIYATINI SAMARALI TASHKIL ETISH ..... 100-105

*Ablazov Nurillo Xusanboyevich*

QURILISH KORXONALARI DEBITORLIK VA KREDITORLIK QARZLARINI HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH ..... 106-112

<i>Абдурахманов Мухторали</i> ЎУДУДИЙ КЛАСТЕРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	113-116
<i>Poshokulova Mohigul</i> BILIMLAR IQTISODIYOTINING ZAMONAVIY SHAKLLARI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA .....	117-122
<i>Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li</i> INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH ORQALI KORXONANING IQTISODIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH: YANGI IMKONIYATLAR VA TAHIDLAR .....	123-131
<i>Sayfutdinova Nigina Furkatovna</i> O'ZBEKISTONDA INNOVATSIYALARNI RIVOJLANTIRISH ASOSIY AHAMIYATLARI .....	132-135
<b>09.00.00 – FALSAFA FANLARI</b>	
<i>Shakarov Oybek Xudoyberdi o'g'li</i> O'ZBEK XALQI ETOSFERASIDA KORRUPTION MUNOSABATLAR PAYDO BO'LISH SABABLARINING FALSAFIY TAHLILI .....	136-139
<i>Жўрамуродов Нодир Ғайбуллаевич</i> ЖАДИДЛАР ФАЛСАФАСИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ .....	140-144
<i>Sayidova Muhabbat G'afforovna</i> GLOBAL AXBOROTLASHUV TENDENSIYALARINING MILLIY VA MA'NAVIY QADRIYATLARGA TA'SIRI .....	145-149
<i>Kuraxmedov Azamat Erkinovich</i> SAMARQAND JADIDCHILARINING TURKISTON MA'RIFATPARVARLIK FALSAFASI RIVOJIDA TUTGAN O'RNI .....	150-153
<i>Umarova Feruza Rozibayevna</i> O'ZBEK XALQI MA'NAVIY MADANIYATI RIVOJLANISHINING ASOSIY XUSUSIYATLARI .....	154-156
<i>Samijonov Azizbek Ismoiljon o'g'li</i> KIBERXAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING FALSAFIY-KONSEPTUAL TAHLILI .....	157-161
<i>Begbudieva Parvina Shoxruxovna</i> THE CONTRIBUTION OF MAHMUDHODJA BEHBUDI TO THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF EDUCATION SYSTEM OF TURKESTAN .....	162-166
<i>Aytbayev Mansurbek Yusupovich</i> MAHMUD AZ-ZAMAXSHARIY AQL-ZAKOVAT TO'G'RISIDA .....	167-173
<i>Muslimov Sherzod Akbarovich</i> ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MA'NAVIY MEROSI: JAMIYAT, SIYOSAT VA SHE'RIYAT .....	174-178
<i>Jantayev Maqsud Ibragimovich</i> MUHAMMAD AL-XORAZMIY: MATEMATIKADAN FALSAFAGACHA BO'LGAN ILMIY IZLANISHLAR .....	179-184
<i>Norova Malika Fayzulloyevna</i> TASAVVUF TA'LIMOTI VA UNING SAYFIDDIN BOXARZIY DUNYOQARASHIGA TA'SIRI .....	185-191

<i>Gulova Anorgul Axtamovna</i> O'ZBEKISTONDA ALISHER NAVOIY ASARLARIGA BO'LGAN MUNOSABAT .....	192-196
<i>Absattorov Baxtiyor Mamarasulovich, Karimova Gulchehra Abdulkarimovna</i> BURCH VA MAS'ULIYAT TUSHUNCHALARINING TARIXIY-NAZARIY, AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY TALQINI .....	197-205
<i>Berdikulov Chingiz Dusmuradovich</i> IJTIMOIY MULOQOT-SHAXS INTELLEKTUAL MADANIYATINING SHAKLLANISH OMILI .....	206-211
<i>Mamarasulov Baxriddin Shakasimovich</i> MILLIY-MA'NAVIY YUKSALISH – MAMLAKATIMIZ MA'NAVIY TARBIYA TIZIMINING YANGI STRATEGIYASI SIFATIDA .....	212-216
<i>Nurmatov Kamaridin Shamsiyevich</i> JAMIYAT TARAQQIYOTIDA ADOLAT TUSHUNCHASINING O'RNI .....	217-221
<i>Bekpo'latov Ulug'bek Rahmatulla o'g'li</i> JAMIYAT TARAQQIYOTIDA SIMMETRIYA VA ASIMMETRIYA BIRLIGINI TA'MINLASHNING DIALEKTIK TAHLILI .....	222-228
<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
<i>Berdiyeva Muqarrama Anvarovna, Chernova Natalya Vasильevna</i> СТРАТЕГИИ ЛИНГВОМЕТОДИЧЕСКОГО ПОДХОДА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ .....	229-234
<i>Жамаҳматов Каромиддин Айнилло ўғли</i> БУРҲОНИДДИН ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРГА ТАЪСИРИ .....	235-243
<i>Temirova Aziza Muzaffarovna, Uralova Oysuluv Poyan qizi</i> ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA “KO'K” SIFAT BELGISINING SEMANTIК XUSUSIYATLARINING TADQIQI .....	244-247
<i>Mansurova Mohinur Akmal qizi</i> HAJVIY TAFAKKUR TABIATI – SATIRA VA YUMOR TUSHUNCHASI .....	248-252
<i>Яркулова Фотима Усмановна, Исломова Марьям</i> ИМЕННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ В ПОВЕСТЯХ И.С.ТУРГЕНОВА .....	253-257
<i>Murodova Muqadas Ikromovna</i> XX ASR INGLIZ VA O'ZBEK ADABIYOTIDA YARATILGAN SATIRIK ASARLAR TADQIQI .....	258-263
<i>Ruzmatova Gulnara Kulmamatovna</i> O'ZBEK ADABIYOTIDA LATIFA JANRI TARAQQIYOTI VA TAHLILI .....	264-268
<i>Davronov Shekroz Abrorovich</i> OG'ZAKI TARJIMA VA UNDA KOMPRESSIYANING ROLI .....	269-273
<i>Begmatov Azizbek Tursunbayevich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI ONOMASTIK BIRLIKLAR TADQIQI .....	274-280
<i>Ibragimova Moxiraxon Anvarovna</i> NUTQIY AKTLAR TASNIFI .....	281-285
<i>Расулова Истода Абдулатифовна</i> К ПРОБЛЕМЕ ДЕФИНИЦИИ ЯЗЫКОВЫХ УНИВЕРСАЛИЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ ИНВАРИАНТНЫХ СВОЙСТВ В КОНТЕКСТЕ ЯЗЫКОВОЙ ВАРИАТИВНОСТИ .....	286-293

<i>Obidova Go'zalxon Ma'rufjon qizi</i> O'ZBEK TILIDA OMAD VA OMADSIZLIKNI NOMLOVCHI LEKSIK VA FRAZEOLGIK BIRLIKLAR .....	294-299
<i>Furkatova Maxliyo To'lqin qizi</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI SHAXS-SON KATEGORIYASI .....	300-309
<i>Baxramov Xabibillo Sadikovich</i> INGLIZ TILIDA "POISON-ZAHAR" KONSEPTINING SEMANTIK XUSUSIYATLARI .....	310-315
<i>Тухтаев Сирожиддин Тошпўлатович</i> ПАРЕМИОЛОГИЯДА САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....	316-323
<i>Qiyomov Shohabbosxon Sharofiddin o'g'li</i> XATTOTLIK SAN'ATINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI .....	324-327
<i>Sobirjonova Muxlisa Sobirjonovna</i> YOLG'IZLIK FENOMENINING PSIXOLOGIK, IJTIMOY VA EKZISTENSIAL ASPEKTLARI .....	328-331
<i>Qayumova Mohinur Murodullayevna</i> LEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT «STEP» IN THE ENGLISH LANGUAGE .....	332-337
<i>Sayipova Dilafruz Rahimovna</i> O'ZBEK NASRI TARAQQIYOTIDA "BOBURNOMA"NING AHAMIYATI .....	338-342
<i>Diyarov Akmal To'lqin o'g'li</i> INGLIZ TILIDAGI BOG'DORCHILIK TERMINLARINING GENETIK-ETIMOLOGIK TAVSIFI .....	343-348
<i>Атаназарова Шохида Бахрамовна</i> РЕКЛАМАДА ИЛЛОКУЦИЯ ВА ПЕРЛОКУЦИЯНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА БИЛБОРДЛАРНИ АҲАМИЯТИ (РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ МИСОЛИДА) .....	349-353
<i>Matadqulova Kamila Abduxoliqovna</i> ANCIENT EGYPTIAN LITERATURE: THE OLD, MIDDLE AND NEW KINGDOMS .....	354-364
<i>Alimova Dilrabo</i> SHARQ ADABIYOTIDA QASIDANING TARIXIY TAKOMILI .....	365-373
<i>Abduqaxxorova Nargiza Rustamovna</i> RUS VA O'ZBEK TILLARIDAGI TOPISHMOQLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI .....	374-379
<i>Курбонова Нодира Розиковна, Пулатова Сабина Шарифовна</i> ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ ТЕМЫ УТРАЧЕННОЙ РОДИНЫ В РОМАНЕ ВЛАДИМИРА НАБОКОВА «МАШЕНЬКА» .....	380-390
<i>Khamidov Tohirjon Olmos ogli</i> ANALYSIS OF TYPES OF ENGLISH PHRASAL VERBS ACCORDING TO THE STRUCTURE .....	391-396
<i>Umurzakova Kommuna Xursanovna</i> O'ZBEKISTON IJTIMOY TARMOQLARIDA YOSHLAR NUTQIDAGI O'ZGARISHNING TA'LIM JARAYONIGA TA'SIRI .....	397-402
<i>Habibullayeva Shoira Shukurillayevna</i> ONA TILI DARSIDA GAP BO'LAKLARI VA ULARNI TAHLIL QILISH METODIKASI .....	403-406

## 12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Itomov Nurillo Fayzullayevich</i> ТА’МИНЛОВЧИ ТО’ЛОВ – МАЖБУРИЯТЛАРНИ ТА’МИНЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ СИФАТИДА .....	407-414
<i>Салаев Нодирбек Сапарбаевич</i> ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР .....	415-431
<i>Ходжиев Юнус Мухитдинович</i> МУЛК ҲУҚУҚИ БЕКОР БЎЛИШИНИНГ ШАХС ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ .....	432-436
<i>Сайдивалиева Хуршида</i> БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА БЕРИШ ЮЗАСИДАН ВУЖУДГА КЕЛУВЧИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ .....	437-445
<i>Миқитов Вобур</i> THE LEGAL NATURE OF E-COMMERCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN .....	446-451
<i>Raimova Nargiza Doroyevna, To‘uchiyeva Bahora Otabekovna</i> PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS .....	452-459
<i>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	460-468
<i>Toshkanov Nurbek Bahriddinovich</i> UNDIRUVNI INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA BO‘LGAN HUQUQLARGA QARATISHNING AYRIM FUQAROLIK-HUQUQIY MASALALARI .....	469-478
<i>Kubaeva Ismigul Farhod qizi</i> CHALLENGES OF BLOCKCHAIN TO LAW AND STATE .....	479-484
<i>Юсупов Ўктамбой Абсаматович</i> ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	485-491
<i>Баходирова Сабина Улугбек кизи</i> РОЛЬ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ УМЫШЛЕННОГО ТЯЖКОГО ТЕЛЕСНОГО ПОВРЕЖДЕНИЯ .....	492-503
<i>Эгамбердиев Ферузбек Аскаржон угли</i> НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТИТУТА ХОДАТАЙСТВ КАК СПОСОБ ЗАЩИТЫ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НА ДОСУДЕБНОМ ЭТАПЕ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	504-508
<i>Ibrohimov Behzodbek Bahromjon o‘g‘li</i> O‘ZBEKISTONDA MOLIVAVIY HUQUQIY MUNOSABATLAR ASOSI VA AHAMIYATI .....	509-520
<i>To‘uchiyeva Bahora Otabekovna, Raimova Nargiza Doroyevna</i> PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS .....	521-528

### 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Ibraximov Sanjar Urunbayevich</i> SPORT MASHG'ULOT JARAYONINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO'LLARI VA TAMOYILLARI .....	529-539
<i>Urazkulova Anna Vitalyevna</i> OLIY TA'LIMDA RUS TILI FANINI O'QITISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING TOPSHIRIQLARINI ILMIY-PEDAGOGIK AHAMIYATI .....	540-545
<i>Қаршиева Дилбар Эшпулатовна</i> ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ .....	546-550
<i>Ajiyeva Muxabbat Baxtibayevna</i> KIMYO FANI BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI FANLARARO INTEGRATSIYA ASOSIDA TASHKIL ETISH .....	551-555
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> O'QITUVCHILARNI KASBIY RIVOJLANTIRISHDA QIYOSIY TAHLIL: JARAYON VA FAOLIYATLI YONDASHUV .....	556-564
<i>Radjabova Gulnoza Giyosiddinovna</i> SHIFTING THE FOCUS OF CORPUS LINGUISTICS FROM RESEARCH TO CLASSROOM PRACTICE .....	565-570
<i>Акрамова Умеда Салиевна</i> ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИКТ ДЛЯ УЧАЩИХСЯ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОВЫМ ФОНОМ .....	571-582
<i>Abdusattarova Zaynab Abdujalil qizi</i> МАТЕМАТИКА FANINI LOYIHAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYASI ORQALI O'QITISH ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINFLARIDA XXI ASR KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI .....	583-590
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i> SHAHMAT O'YINI ORQALI BOSHLANG'ICH SINFLARIDA FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI .....	591-595
<i>To'xtayev Hasan Toshpo'latovich</i> ZAMONAVIY MAKTAB O'QUVCHILARINI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA KOGNITIV- PSIXOLOGIK TO'SIQLARNING TA'SIRI .....	596-599
<i>Yaqubov Fazliddin Muxitdinovich</i> JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARI KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING MEKANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH .....	600-607
<i>Rahimova Dilshoda Baxriddinovna, Turatosheva Sadoqat Raxmatullayevna</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH (SOTSIOLOGIK TAHLIL) .....	608-615
<i>Мадаминова Наргизахон Жахонгир қизи</i> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МОСЛАШТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ .....	616-619
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA TEXNIKA OLIY TA'LIM SOHASI MUTAXASSISLARDA KASBIY-IJODIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI .....	620-526

<i>Aliyeva Iroda Otabek qizi</i> МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМГА ХОРИЙ ТАЖРИБАСИНИ ҚО'ЛЛАШ БО'ҲИЧА МАВЖУД ТА'ЛИМ ТАЛАБЛАРИНИНГ ТАСНИФИ YUZASIDAN ТАҲЛІЛЛАР .....	627-631
<i>Ro'zimurodov Ilyos Azamat o'g'li</i> O'RTA ASRLAR MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARINING CHOLG'USHUNOSLIKKA OID NAZARIYALARI: ABU NASR FOROBIYNING MUSIQIY TADQIQOTLARI .....	632-636
<i>Yaxshiboyeva Shahnoza Bahodir qizi</i> JAHON AXBOROT RESURSLARI ORQALI TALABALARNING TADQIQOTCHILIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK ASOSLARI .....	637-642
<i>Салиев Улугбек, Салиева Низора</i> ОБЩЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО РАБОТНИКА: РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ В ПРАКТИКЕ .....	643-648
<i>Маматкулова Угилжон Эшмирза кизи, Абдуллаева Дилбар Алимбаевна</i> МЕТОДИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИОННАЯ ПЛАТФОРМА ДЛЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА, ИЗУЧАЮЩИХ АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК, И ПУТИ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ .....	649-655
<i>Муминова Офтобхон Каримовна</i> ИСТОРИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНЕ: ОТ АНТИЧНОСТИ ДО СОВРЕМЕННЫХ ТЕРМИНОВ .....	656-661
<i>Ахмедова Уктамхон</i> РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАНЯТИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ .....	662-667
<i>Sattarova Markhabo Raxmonkulovna</i> ТА'ЛИМДА RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH .....	668-672
<i>Nuriddinova Robiya Bekjonaliyevna</i> МАКТАБГАЧА VA BOSHLANG'ICH TA'ЛИМДА МАТЕМАТИКА MASHG'ULOTLARINING UZVIYLIGINI TA'MINLASH YO'NALISHLARI .....	673-678

**Received:** 30 November 2024

**Accepted:** 5 December 2024

**Published:** 15 December 2024

*Article / Original Paper*

## **PROSPECTS FOR THE USE OF CIVIL LEGAL METHODS IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION OFFENSES IN THE FIELD OF PUBLIC PROCUREMENT**

**Yusupov Oktamboy Absamatovich**

Academy of Law Enforcement

Independent Researcher

E-mail: [u.a.yusupov@gmail.com](mailto:u.a.yusupov@gmail.com)

**Abstract.** In the socioeconomic development of Uzbekistan, ensuring the well-being of the population, and implementing an economic policy based on private entrepreneurship aimed at social protection is of great importance. In this case, the state is the main reformer, and in the implementation of this task, the state should engage in active economic interaction with other subjects of law in all spheres of public life. This, in turn, requires the development and effective legal regulation of the most optimal mechanisms for providing the state's needs and meeting the requirements of today's market relations. At present, the state needs are determined by the law, provided at the expense of the state budget and extra-budgetary sources of financing, and the most optimal way of delivering the needs of the Republic of Uzbekistan is state procurement.

**Keywords:** socio-economic development, well-being of the population, social protection, private entrepreneurship, economic policy.

## **ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Юсупов Ўктамбой Абсаматович**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга қаратилган хусусий тадбиркорликка асосланган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва ушбу вазифани амалга оширишда давлат жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан фаол иқтисодий муомалага киришиши лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида, давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг энг мақбул ва бугунги бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган механизмларини ишлаб чиқиш ва самарали ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади. Ҳозирда давлат эҳтиёжлари – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган, Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлашнинг энг мақбул усули, бу – давлат харидлари ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳолининг турмуш фаровонлиги, ижтимоий ҳимоя, хусусий тадбиркорлик, иқтисодий сиёсат.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I12Y2024N68>

**Кириш.** Давлат харидлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан

аниқланадиган рўйхат бўйича бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари бўлиб, уларни ташкил этиш, амалга ошириш ва шу асосда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш, ижро этиш ҳамда ижро этмаслик учун ҳуқуқий жавобгарлик чораларини белгилаш масалалари ушбу муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда давлат харидлари соҳасидаги муаммолардан бири коррупцион ҳолатлар билан боғлиқдир, ушбу муносабат иштирокчилари – буюртмачи, етказиб берувчи ва ташкилотчиларнинг суиистеъмолчиликларга йўл қўяётганлиги, белгиланган сифатдан паст ёки келишилган баҳога мос келмайдиган товарлар етказиб бериш, давлат харидлари бўйича зиммасига олинган мажбуриятни ўз вақтида бажармаслик ёки умуман бажармаслик ҳолатлари ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат харидлари ҳуқуқий тартибга солишда унинг таомиллари: тўғридан-тўғри савдолар, электрон савдолар, электрон каталоглар, тендер савдолари, қурилиш соҳасидаги давлат харидлари, яшил харидларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, уларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий тартибга солишда улар ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этиш ҳам бугунги кун нуқтаи назардан долзарбдир.

Шу боис давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига амалга ошириладиган харидлар давлат харидлари бўлиб, у ўзига хос тартибда, шаклда ва босқичларда амалга оширилади. Давлат харидлари тушунчаси **Бюджет кодекси 3-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга биноан, давлат харидлари** – бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари **демакдир**.

**Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига кўра**, давлат хариди — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олишдир.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Адабиётларда давлат харидлари борасида айрим мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, У.Бурхановнинг фикрича, давлат хариди – бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир. Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади [1].

Ш.О.Восеевнинг ёзишича, давлат харидлари предмети бўлиб, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар ҳисобланади [2].

А.Н.Карпуннинг қайд этишига кўра, давлат харидлари солиқ тўловчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларида жамланган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Айнан мазкур ҳолат фуқаролик ҳуқуқининг у ёки бу субъекти харид фаолиятини давлат харидлари соҳасига тааллуқлилигини аниқлашда ҳал қилувчи омил саналади (“маблағлар манбалари тамойили”). Давлат харидлари махсус ишлаб чиқилган таомиллар ва қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади [3].

“Харид” атамаси ўзбек тилининг изоҳли луғатида форс тилидан олинган бўлиб, сотиб олиш, сотиб олинган нарса маъноларини англатади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан харид бу сотиб олиш жараёнини англатса, харидор сотиб олувчи, маъносини билдиради. Давлат харидлари эса муайян моддий неъматни давлатнинг бюджети ёки бюджетдан ташқари бўлган, бироқ давлат (бу ўринда, халқ, жамият) нинг манфаатлари маблағлари ҳисобидан, белгиланган тартиб, шартлар ва асослар бўйича сотиб олиш жараёнларини

англатади. Давлат харидларининг вужудга келиш асоси бўлиб, эса давлат буюртмалари ҳисобланади.

Айрим мутахассислар “давлат харидлари” ва “давлат буюртмалари” тушунчаларининг фарқли жиҳатларини таҳлил қилиб, “давлат буюртмаси”, “маҳсулот етказиб бериш”, “иш бажариш” ва “хизмат кўрсатиш”ни битта тушунчага бирлаштириш тўғри эмаслигини таъкидлашади. Ушбу мулоҳазани давом эттириб, С.А.Бордунова қўйидаги фикрларни билдиради: “харид” атамаси муайян нарсани қўлга киритишни аналатади ва фақат олди-сотди ёки маҳсулот етказиб бериш шартномасига тааллуқли бўлиши мумкин. Агар ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш контракти хусусида гап борса, бу ҳолатда улар давлат буюртмаларига тегишлидир. Давлат харидларининг давлат буюртмасидан фарқи ҳам айнан ушбу жиҳат билан боғлиқдир [4].

**Муҳокама.** Фикримизча, “харид” ва “буюртма”нинг фарқланиши “давлат харидларининг” предмети билан боғлиқ. Амалдаги қонунчиликда харидлар предмети тушунчаси мавжуд эмас.

Ушбу ҳолатда агар “товар” ҳеч шубҳасиз олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш каби ҳуқуқий конструкцияларга хос. Бошқача айтганда, фақат “товар” давлат харидларининг предмети бўладигандай кўзга ташланади. Бу ҳолатда “иш, хизмат”нинг олди-сотди конструкциясининг эмас, пудрат, хизмат кўрсатиш каби шартномаларнинг предмети бўлиши мумкинлиги “давлат харидлари” атамаси билан мантиқий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан боғлиқ эмасдай кўринади. Бироқ “давлат харидлари”нинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилса ҳамда унга ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан ёндашилса, “иш, хизмат” атамалари ҳам “давлат харидлари” билан бевосита боғлиқ ва унинг предмети таркибига киришини аналаш мумкиндир.

Гап шундаки, давлат харидининг моҳияти (ҳуқуқий нуқтаи назардан) давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ва бевосита давлатнинг функциялари билан боғлиқ бўлган бошқа маблағларини давлатнинг, давлат юридик шахсларининг ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа шахсларнинг товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга сарфланишини аналатади. Мажозий маънода “товар, иш ёки хизмат” эмас давлат органи ёки юридик шахси “буюртмаси” харид қилинади. Чунки, буюртма асосида харид билан боғлиқ жараёнлар юзага келади ва амалга оширилади. Масалан, муассасага компьютер жиҳозларига эҳтиёж юзага келди ва уларни харид қилиш учун ўз буюртмасини жойлаштириш лозим бўлади. Агар товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан кам бўлган суммада бўлса, савдолар бошланғич нархни пасайтириш юзасидан аукцион шаклидаги, буюртмачилар томонидан белгиланган мезонлар ва шартлардан келиб чиққан ҳолда, товарларга (ишларга, хизматларга) энг кам нархни таклиф этган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг мақбул етказиб берувчисини танлаш усулидан иборат бўлган электрон харидлар шаклида амалга оширилади. Бунда буюртма электрон аукцион савдолар ўзи учун зарур бўлган товарнинг номини жойлаштиради ва етказиб берувчилар томонидан келиб тушган таклифлардан энг кам нархни таклиф этгани билан товар етказиб бериш шартномасини тузиш йўли билан давлат харидларини амалга оширилади.

Айнан шу тартибда иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш бўйича буюртмалар асосида давлат харидлар амал қилади.

Европа мамлакатларида давлат харидини товарлар, ишлар ва хизматларга ажратиш бўйича ЮНСИТРАЛ [5] томонидан таклиф этилган таснифлашга асосан:

Товарларга - хом-ашё, буюм, ускуналар, қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатдаги предметлар, электр энергияси, шунингдек, товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар қиймати (агар у товарнинг баҳосидан юқори бўлмаса) киритилади.

Ишлар деганда – қурилиш, таъмирлаш, бинони, иншоот ва объектларни бузиш ёки таъмирлаш билан боғлиқ фаолият турлари, шунингдек, грунтларни қазил, янгидан қурил, жиҳозлаш, монтаж учун қурилиш майдонларини тайёрлаш ва бошқа қурилиш ишлари (масалан, геодезия ва бурғилаш бўйича ишлар, аэро ва сунъий йўлдош орқали суръатга олиш, сейсмик тадқиқотлар ўтказил (агар ушбу хизматлар баҳоси асосий иш баҳосидан юқори бўлмаса) тушунилади.

Хизматларга эса – товар ва ишларга тааллуқли бўлмаган барча харид предмети тушунилади.

К.Жумамуротованинг ёзишича, давлат хариди дегани давлат эҳтиёжлари учун товар, хизмат ва ишлар тўлиқ ёки қисман бюджет маблағлари эвазига сотил олинишидир. У ўз ичига мактабга оддий ручка, қоғоз сотил олишдан бошлаб, мактаблар, коллежлар, йўл қурилишигача қамраб олади. Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ва нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ хўжалик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир [6].

**Натижалар.** Агар давлат харидлари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этса тендер савдолари ўтказилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар асосан давлат маблағларни номақсадли сарфлаш ҳамда бошқа турдаги ғайриқонуний ҳаракатларда намоён бўлади. Шу боис кейинги пайтларда юридик адабиётларда давлат харидларини амалга оширишда қонунчиликни бузганлик учун қўшимча жиноий жавобгарликни белгилаш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда.

Хусусан, А.Л.Карабанов ва С.К.Мельникнинг фикрича, давлат манфаатларига зид равишда контракт тузганлик ва давлат харидларини амалга оширганлик қилмишини криминализация қилиш зарурати долзарблик касб этмоқда [7]. Бироқ мутахассислар эса Жиноят кодексига давлат харидлари соҳасида қонунчиликни бир неча мартаба бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқдир [8].

Шу нуқтаи назардан А.Л.Карабанов ва С.К.Мельниклар “бундай қилмишнинг диспозицияси қуйидаги кўришида бўлишини таклиф этишади:

мансабдор шахс томонидан олдиндан билган ҳолда давлат учун фойда бўлмаган контрактни тузиш, шунингдек кўп миқдордаги зарарга олиб келган давлат харидини амалга оширганлик [7].

М.Я.Евраев жиноят қонунчилигида белгиланган жиноятлар таркибига “савдоларда рақобатни бартараф этиш бўйича олдиндан билган ҳолда амалга

оширилган ҳаракатга оид қилмишни киритиш лозим. Масалан, мансабдор шахс тендер қатнашчисини ноқонуний четлаштиради, монополияга қарши қонунчилик талабларини бажармайди ва қонунни бузиш шартномани имзолайди” [8].

Жиноят қонунчилигига бундай кўринишдаги ўзгартириш киритишнинг асоси сифатида М.Я.Евраев давлат харидлари соҳасидаги коррупциявий жиноятларни исботлашнинг мураккаблигини келтириб ўтади: давлат харидларига алоқадор бўлган жиноятларнинг таркиби – бу мансаб ваколатларидан четга чиқиш, фирибгарлик, пора бериш сифатида баҳоланади. Бу соҳада жиноят ишлари кам: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида қасд мавжудлигини асослашга ҳаракат қилишади, бироқ бунда тендерни ютиб олган компанияда мансабдор шахснинг қариндоши ишламаса, жиноят иши қўзғатилмасдан қолади [8].

Юқоридаги ҳолатлар мансабдор шахсларнинг қуйидаги хатти-ҳаракатини криминализация қилиш заруратини кўрсатади:

- 1) олдиндан била туриб давлат учун фойдали бўлмаган контракт тузиш;
- 2) кўп миқдорда зарарга олиб келган давлат харидларини амалга оширганлик;
- 3) ким ошди савдоларида олдиндан била туриб рақобатни бартараф этиш.

Муайян бир қилмишни криминализациялашда ўзига хос тамойиллар мавжудки, бу тамойилларнинг амал қилиши асосида криминализация амалга оширилади. Криминализациянинг тизимли-ҳуқуқий тамойиллари деганда, жиноят ҳуқуқи нормалари тизимининг ички мантиқийлигига қарама-қарши бўлмаган талаблар ёки моддий-процессуал ҳуқуқ нормаларига ёхуд жиноят ва бошқа соҳаларнинг (конституциявий, фуқаролик ва шу кабилар) нормалари зид бўлмаган талаблар билан белгиланадиган тамойиллари тушунилади[9]. Муайян қилмишга нисбатан криминализациялаш тамойилларининг бутун тизимини босқичма-босқич татбиқ этишгина жинойий-ҳуқуқий нормани киритиш ёки рад этиш имконини беради. Бундай тамойиллар жумласига қонунларда бўшлиқ бўлмаслиги ва тақиқларнинг юқори даражада бўлмаслиги (киритилиш назарда тутилаётган новелла норматив бўшлиқни юзага келтирмаслиги ёки амалдаги жиноят қонунчилиги тизимида ортиқча бўлмаслиги) киради [9].

Давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни криминализациялашнинг таклиф этилаётган вариантлари ушбу тамойилларга зиддир. Хусусан, мансабдор шахс томонидан олдиндан била туриб давлат учун фойдали бўлмаган контракт тузиш. Шунга тенг равишда кўп миқдорда зарар вужудга келишига сабаб бўлган давлат харидларини амалга ошириш Жиноят кодексининг 207-моддаси нормаларида назарда тутилган жиноят таркибининг белгиларига тушадиган ҳаракатларининг алоҳида ҳолатини ифодалайди. ЖКнинг 207-моддасига кўра, мансабга совуққонлик билан қараш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши ҳисобланади.

Шу жиҳатдан “ким ошди савдоларида рақобатни атайин бартараф этиш бўйича ҳаракатни” криминализация қилиш ЖКнинг (ст. 178 УК РФ) тегишли моддасида назарда

тутилган “рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга йўл қўйилмаслиги” қоидаларида назарда тутилган жиноят таркибига мос келади. Бу жиноят 1) шартнома тузишни асоссиз равишда рад этиш ёки бош тортиш; ва 2) бозорга киришни чеклаш шаклида намоён бўлади.

Шунингдек, атайин ким ошди савдоларида рақобатни бартараф этиш бўйича ҳаракат алдаш йўли билан пул маблағларини қўлга киритиш, яъни фирибгарлик (ЖКнинг 168-модда) ҳисобланиши мумкин. Бу ҳолатда танлов савдоларига қонуний тус бериш учун савдо ташкилотчиси томонидан аффилиланган юридик шахсларгина қатнашишларига йўл қўйилади.

**Хулоса.** Рақобатни бартараф этиш мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) жинояти сифатида квалификация қилиниши ҳам мумкин. Бунда мансабдор шахс томонидан қонунни бузиб танлов ҳужжатларига олдиндан ишлаб чиқилган, бошқа етказиб берувчиларни қатнашишларига тўсқинлик қиладиган техник шартлар киритиладики, бунинг натижасида олдиндан тил бириктирилган етказиб берувчи танлов савдоларида ғолиб бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни криминализациялашнинг таклиф этилган усуллари криминализациянинг тизимли-ҳуқуқий тамойили бўлган таъқибнинг процессуал амалга оширилиши тамойилига ҳам мос келмайди [10]. Ушбу тамойилнинг моҳиятига кўра муайян қилмиш учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонуни агар қонун нормасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари қоидага кўра нормал исботланадиган бўлса амалда қўлланилиши ва етарли даражада самарали бўлиши мумкин [10]. Давлат эҳтиёжлари учун харидларни амалга оширишда ҳар бир босқич учун жавобгарлик турли мансабдор шахслар зиммасига юкланган. Хусусан, харидлар тўғрисидаги эълонни босма нашрлар ва Интернет тармоғига жойлаштиришга бир мансабдор масъул ҳисобланса, бошқаси танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва харид қилинаётган маҳсулотга нисбатан талабларни шакллантириш билан шуғулланади. Давлат харидлари юзасидан шартномалар тузиш эса танлов комиссиясининг қарорига кўра мансабдор шахс томонидан амалга оширилади [11].

Шу боис айнан қайси шахснинг ҳаракатлари натижасида “давлат учун олдиндан била туриб фойдаси бўлмаган контракт тузилган”, “савдоларда рақобат бартараф этилган” ёки “зарар етказилишига олиб келган давлат хариди амалга оширилган”лигини исботлаш мушкулдир. Шу билан бирга, криминализациянинг юқорида кўрсатиб ўтилган вариантларини кенг талқин этишда зарар етказилган ёки рақобат чекланган ҳар қандай давлат харидларини ўтказишда иштирок этган мансабдор шахсни жинойий жавобгарликка тортиш имконияти яратилади.

#### **Adabiyotlar/Literatūra/References:**

1. Бурханов У. Давлат хариди. – Т.: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 10 б.
2. Восеев Ш.О. Давлат харидлари тизимида кичик бизнес иштирокчилари улушини ошириш муаммолари: 5A240301 – Давлат бошқаруви мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.: 2016. – 11 с.
3. Карпун А.Н. Административно-правовой механизм формирования государственного и муниципального заказа // Электронный вестник Ростовского

- социально-экономического института. 2015. Выпуск№ 3-4 (июль-декабрь). – 153 с.
4. Бордунова С.А. Правовое регулирование государственных и муниципальных заказов по законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. -М., 2011. -24 с.
  5. (United Nations Commission on International Trade Law) –Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТнинг Комиссияси. 1966 йилда БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқини ягоналаштириш бўйича қарори асосида ташкил этилагн. 36 та давлат вакилларида иборат (14 Европа ва бошқа давлатлар, 16 Афро-Осиё ва 6 Латиноамерикаси давлатлари). Штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган.
  6. Жумамуротова К. Давлат хариди ҳуқуқий асос тақомилини талаб этмоқда // Биржа, 2012 йил 21 июнь.
  7. Карабанов А.Л., Мелькин С.К. Современные проблемы противодействия коррупции: уголовно-правовой и криминологический аспекты. М., 2010. С. 156.
  8. Ведомости. 2010. № 125(2643). 9 июля.
  9. Основания уголовно-правового запрета. Криминализация и декриминализация / В.Н. Кудрявцев [и др.]. М., 1982. С. 210.
  10. Гук Д.В. Вопросы уголовно-правовой квалификации использования «фирм-однодневок» для хищений денежных средств // Бизнес в законе. 2013. - №1. – С. 52.
  11. Сизов В.А. Проблемы выявления и пресечения преступлений, связанных с незаконным обналичиванием денежных средств и созданием «фирм-однодневок» // Общественные науки. Право. 2016. № 2 (38). – С. 102.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

*№ 12 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari**” elektron jurnali  
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli  
guvohnoma bilan davlat ro‘yxatiga olingan.  
**Muassis:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
mas’uliyati cheklangan jamiyati

**Tahririyat manzili:**  
100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog‘och ko‘chasi, 70/10-uy. Elektron manzil:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Bog‘lanish uchun telefonlar:**  
(99) 602-09-84 (telegram).